
БАҒДОДДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН, ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ БЎЛГАН 35 ТА ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ СУННАТ ТЎЙЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун Бағдод туманида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган 35 та оила фарзандларига суннат тўйлари ташкилланди. Туман ҳокимлиги ва сектор раҳбарларининг ташаббуси ҳамда "Бағдоддонмахсулотлари" ҳиссадорлик жамияти раҳбариятининг кўмаги билан ўтказилган тадбирда тўйболаларнинг яқинлари ҳам иштирок этдилар.

"Инсонга эътибор: кадр топаётган қадриятлар" эзгу шиори остида ўтказилган тўй тантаналарида туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов сўз олиб, йиғилганларни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклади, болажонларга ва уларнинг яқинларига эзгу тилаklarини билдирди.

Тадбирда вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳолиқов ҳамда "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Зокиржон Раҳмонов ҳам иштирок этдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-12-23 18:40:12